

**ИДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПИРОВА МЕҲРИБОН КУРБОНДУРДИЕВНА

**ТРИТИКАЛЕДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ДОН ҲОСИЛИ
ЕТИШТИРИШДА ТУРЛИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИДА УРУҒ ЭКИШ
МЕЪЁРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Пирова Мехрибан Курбондурдиевна

Тритикаледан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли экиш
муддатларида уруғ экиш меъёрларини ишлаб чиқиш.

3

Пирова Мехрибан Курбондурдиевна

Разработка норм посева семян тритикале при различных сроках высева для
получения высокого и качественного урожая зерна.

21

Pirova Mehriban Kurbondurdievna

Development of sowing rates for triticale seeds at different sowing times to obtain a
high and high-quality grain yield.

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПИРОВА МЕҲРИБОН КУРБОНДУРДИЕВНА

**ТРИТИКАЛЕДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ДОН ҲОСИЛИ
ЕТИШТИРИШДА ТУРЛИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИДА УРУҒ ЭКИШ
МЕЪЁРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Qx1403 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаев Имомжон Ибраҳимжонович,
кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент.

Расмий оппонентлар: Худайкулов Жонибек Бозарович,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Жумабоев Зухриддин Мўминович,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.


Етақчи ташкилот: Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «17» 01, соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 34 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05.

Диссертация автореферати 2025 йил «03» 01 куни тарқатилади.
(2024 йил «23» 11 даги 8/3 рақамли реестр баённомаси).




Р.И.Сидиков,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.


Т.Э.Надежмов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.д.


С.О.Абдурахмонов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котибидagi илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фолсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда тритикале дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида йилига 4,9 млн. гектар майдонга экилиб, 13,5 млн. тоннадан ортиқ ялпи дон ҳосили етиштириб келинаётган бўлсада, катта майдонларда етиштирувчи давлатларга Полша, Германия, Белоруссия ва Франция каби мамлакатларни киритиш мумкин¹. Бугунги кунда дунё аҳолисини сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини бир меъёрда қондиришда чорвани сифатли озуқа-ем базасини мустахкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада маҳаллий шароитда яратилган ҳамда чет давлатлардан интрадукция қилинган навларни турли табиий иқлим шароитларида мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаб, шунга мос равишда агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунёда тритикале етиштиришда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган бир қатор давлатларда тритикаленинг янги авлод навларини яратиш ва ушбу навларни минтақалар бўйича экиш муддатларига боғлиқ ҳолда мақбул кўчат қалинликларини ўрганиш, шулар асносида озиқага ҳамда суғоришга бўлган талабини ишлаб чиқишга катта аҳамият қаратилиши ортидан дон ҳосилдорлигини гектарига 140 центнергача кўтариш эришганлар². Чорвани сифатли ва тўйимли озуқа базасини яратиш ва аҳолини сут-гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини йил давомида бир меъёрда қондириб боришга қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сўнги йилларда Хукуматимиз томонидан чорвачилик соҳасида туб ислохотлар олиб борилиши натижасида, тритикаленинг суғориладиган майдонлардаги улуши 12,7 минг гектардан 18,4 минг гектарга, яъни қарийб 45 фоизга, оширилиши ялпи дон ҳосилдорлигини 434 минг центнерга, гектаридан олинadиган дон ҳосилдорлигини эса 4,8 центнерга ошишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига “аҳолини эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ички бозорни сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобига қондириш ва импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини икки баробарга камайтири” бўйича кўплаб вазифалар белгиланган бўлиб, бу борада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сонли “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Тритикале>

² <https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru>

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тритикале экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича Республикамиз олимларидан Р.И.Сиддиқов, Б.М.Халиков, Г.Сатилов, С.О.Абдурахмонов, Н.Ғ.Ёдгоров, Х.Адилов, К.Т.Исаков, Ж.У.Умаров, хорижий олимлардан С.В. Гончаров, А.В.Крохмаль, С.В.Гончаров, Е.А.Гординская, А.В.Крохмаль, Н.И.Барулина ва бошқалар тамонидан турли минтақалар ва иқлим шароитларида илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги тритикале навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли экиш муддатларида мақбул уруғ сарф меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот режасининг 2021 йил 20-январдаги №6-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Хоразм вилояти шароитида ноанъанавий бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2021-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги тритикале навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли муддатларига боғлиқ ҳолда мақбул уруғ сарф меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикале навлари уруғларнинг дала унувчанлиги ҳамда кўчат қалинлигига, ўсув даврини давомийлигига, ўсиб ривожланишига ва поя баландлигига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикале навларининг барг сатҳини шаклланишига, биологик қуруқ массаси тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини кузги тритикале навларининг ҳосил структурасига, дон ва сомон ҳосилдорлигига, дон сифат кўрсаткичларига ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўтлоқи аллювиал тупроқ, кузги тритикаленинг маҳаллий “Фарход” ва хорижий “Норман” навлари, уруғ экиш муддатлари, уруғ экиш меъёрлари.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги тритикале навлари уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларини кўчат қалинлигига, ўсиши ва ривожланишига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланиши, дон ҳамда сомон ҳосилдорлигига, доннинг сифат кўрсаткичларига, етиштириш давомида қўлланилган агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсирини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ 2007), «Методый агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых раёнах» (СоюзНИХИ, 1977), «Методика исследованый с зернобобовыми культурами» (1971), олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспехов «Методика полевого опыта» (М. 1985) услубий қўлланмалари бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги тритикаленинг маҳаллий “Фарход” ва хорижий “Норман” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғ экиш муддатларига боғлиқ ҳолда мақбул уруғ сарф меъёрлари аниқланган;

кузги тритикале навлари уруғлари 15-сентябр муддатида экилганида гектарига 4,0 млн дона/га, 1-октябр муддатида экилганида гектарига 5,0 млн дона, 15-октябр муддатида экилганида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиш юқори самара бериши исботланган;

кузги тритикале навлари уруғлари турли муддат ва меъёрларда экилганида, униб чиққан кўчатларнинг амал даври охиригача яшовчанлиги бўйича “Фарход” навига нисбатан “Норман” нави устунлик кўрсатиб, уруғлар 15-сентябр муддатида экилганида 0,7-1,0%, 1-октябр муддатида экилганида 0,5-1,1%, 15-октябр муддатида экилганида 0,6-0,9% гача юқори бўлган бўлса, умумий пояга нисбатан маҳсулдор поялар нисбати бўйича “Норман” навига нисбатан “Фарход” навида устунлик кузатилиб, уруғлар 15-сентябр муддатида экилганида 0,5-0,7%, 1-октябр муддатида экилганида 0,7-0,9%, 15-октябр муддатида экилганида 0,9-1,1% гача юқори бўлиши асосланган;

донларнинг сифат кўрсаткичларига кузги тритикале навлари уруғлари турли муддат ва меъёрларда экиб етиштириш ўз таъсирини ўтказиб, оқсил миқдори бўйича “Фарход” навига нисбатан “Норман” навида уруғлар 15-сентябр муддатида экилганида 0,1-0,3%, 1-октябр муддатида экилганида 0,1-0,3%, 15-октябр муддатида экилганида 0,2-0,3% гача юқори бўлган бўлса, дон таркибида клейковина бўйича “Норман” навига нисбатан “Фарход” навида уруғлар 15-сентябр муддатида экилганида 0,4-0,6%, 1-октябр муддатида экилганида 0,5-0,6%, 15-октябр муддатида экилганида 0,5-0,7% гача юқори

бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Кузги тритикале навлари уруғлари 15-сентябр муддатида экилиши кўчатларнинг униб чиқишини 1-октябр ва 15-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида 4,4-18,0 дона/м² гача, “Норман” навида 5,2-18,6 дона/м² гача юқори бўлишини таъминлаган бўлсада, амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлиги уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантларда аниқланиб, уруғлар 15-сентябр ва 15-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида 0,2-9,4 дона/м² гача, “Норман” навида 0,6-10,5 дона/м² гача юқори бўлганлиги аниқланган;

Кузги тритикале навлари уруғларини 15-сентябр муддатида экиш уруғларни 1-октябр ва 15-октябр муддатларида экишга нисбатан гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида пишиш фазасида “Фарход” навида поя баландлигини 5,1-9,2 см, барг сатҳини 1395,1-4617,7 м²/га, қуруқ масса туплашини 7,8-13,9 ц/га, “Норман” навида поя баландлигини 5,4-9,9 см, барг сатҳини 1614,3-4863,1 м²/га, қуруқ масса тупланишини 7,9-14,1 ц/га, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида “Фарход” навида поя баландлигини 3,2-5,9 см, барг сатҳини 1333,2-4637,0 м²/га, қуруқ масса туплашини 8,7-15,4 ц/га, “Норман” навида поя баландлигини 3,5-6,6 см, барг сатҳини 1662,0-4935,7 м²/га, қуруқ масса тупланишини 8,8-15,6 ц/га, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида “Фарход” навида поя баландлигини 2,5-4,6 см, барг сатҳини 1155,3-3734,7 м²/га, қуруқ масса туплашини 9,4-16,7 ц/га, “Норман” навида поя баландлигини 2,8-5,3 см, барг сатҳини 1375,9 м²/га, қуруқ масса тупланишини 9,5-16,9 ц/га юқори бўлишини таъминлагани қайд этилган;

Кузги тритикале навлари уруғларини 15-октябр муддатида экиш, бошоқда ҳосил элементларининг шаклланишига ижобий таъсир этиб, уруғлар 1-октябр ва 15-сентябр муддатларида экилганга нисбатан “Фарход” навида бир бошоқнинг ўртача узунлиги 0,4-0,9 см гача, бир бошоқдаги донлар сони 0,6-2,5 донагача, 1000 дона дон оғирлиги 0,7-1,5 г гача, “Норман” навида бир бошоқнинг ўртача узунлиги 0,3-1,0 см гача, бир бошоқдаги донлар сони 0,5-2,9 донагача, 1000 дона дон оғирлиги 0,3-1,4 г гача юқори бўлишига олиб келганлиги аниқланган;

Кузги тритикале навларида юқори дон ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражаси аниқланганида, гектарига 4,0 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида 15-сентябр муддатида экилганда кузатилиб, уруғлар 1-октябр ва 15 октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги “Фарход” навида 2,9-5,0 ц/га, “Норман” навида 3,5-8,6 ц/га, рентабеллик даражаси “Фарход” навида 3,3-8,0%, “Норман” навида 4,9-16,2%, гектарига 5,0 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида юқори натижа уруғлар 1-октябр муддатида экилганда аниқланиб, уруғлар 15-сентябр ва 15-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги “Фарход” навида 0,5-14,5 ц/га, “Норман” навида 0,3-14,8 ц/га, рентабеллик даражаси “Фарход” навида 1,0-30,3%, “Норман” навида 0,8-30,9%, гектарига

6,0 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида юқори натижа уруғлар 15-октябр муддатида экилганда қайд этилиб, уруғлар 15-сентябр ва 1-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги “Фарход” навида 0,9-14,8 ц/га, “Норман” навида 0,6-14,5 ц/га, рентабеллик даражаси “Фарход” навида 1,6-29,0%, “Норман” навида 0,7-28,4% юқори бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижалар билан асосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги илмий ишнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги тритикале навлари уруғларини турли муддат ва меъёрларда экишнинг уруғларни дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, барг сатҳининг шаклланиши, қурук модда тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига, ҳосил структураси, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кузги тритикаленинг маҳаллий “Фарход” ва хорижий “Норман” навлари уруғлари 15-сентябр муддатида экилганида гектарига 4,0 млн дона, 1-октябр муддатида экилганида гектарига 5,0 млн дона, 15-октябр муддатида экилганида эса гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиш дон ҳосилдорлиги ва рентабеллик даражасини экиш муддат ва меъёрларига боғлиқ ҳолда юқори бўлишини таъминлаб, дон ҳосилдорлигини “Фарход” навида 0,5 ц/га дан 14,8 ц/га гача, “Норман” навида 0,3 ц/га дан 14,8 ц/га гача, рентабеллик даражасини “Фарход” навида 1,0% дан 30,3 гача, “Норман” навида 0,7% дан 30,9% гача ортиши бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти шароитида кузги тритикале навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Хоразм вилояти шароитида тритикале етиштириш технологияси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 8.08.2024 йилдаги №05/06-02-626-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома фермер хўжаликларида кузги тритикале навларини етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Кузги тритикаленинг “Фарход” ҳамда “Норман” навлари Урганч тумани “Қаландар Сапаев” фермер хўжалигида 10,2 гектар, “Жайхун Чорва насл”

фермер хўжалигида 8,8 гектар, “Хайват” фермер хўжалигида 8,8 гектар, Боғот тумани “Шомурод бобо набираси Умиджон” фермер хўжалигида 5,7 гектар, “Рўздат Матёз” фермер хўжалигида 9,3 гектар, “Чўлқувар” фермер хўжалигида 7,4 гектар, “Қуронбой Содик” фермер хўжалигида 10,6 гектар, жами 60,8 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 8.08.2024 йилдаги №05/06-02-626-сон маълумотномаси). Натижада уруғларни 15-сентябр муддатида экилганида гектарига 4,0 млн дона, 1-октябр муддатида экилганида гектарига 5,0 млн дона, 15-октябр муддатида экилганида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида юқори самарадорликка эришилган;

Кузги тритикаленинг “Фарход” ҳамда “Норман” навларини 15-сентябр муддатида экилганида гектарига 4,0 млн дона, 1-октябр муддатида экилганида гектарига 5,0 млн дона, 15-октябр муддатида экилганида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиб етиштириш технологияси Урганч ва Боғот туманларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 8.08.2024 йилдаги №05/06-02-626-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали рентабеллик даражаси “Фарход” навида 46,3 фоизга, “Норман” навида 48,7 фоизга ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Урганч давлат университети томонидан тузилган маҳсус апробация комиссиялари томонидан кўриқдан ўтказилиб, “яхши” ва “қониқарли” баҳоларга баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та жумладан, маҳаллий нашрларда 2 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тритикаленинг ҳалқ жўжалиги ва чорвачиликдаги аҳамияти, озуқавийлик қиймати, экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида, тритикале экиннинг келиб чиқиши, халқ хўжалигидаги аҳамияти, озуқавийлик қиймати, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи биотик ва абиотик омилларнинг таъсири, биологияси ва морфологияси, уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини ўсиши ва ривожланишига ва дон ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба майдонида олиб борилган агротехник тадбирлар» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, ҳудуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навлар таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Ҳар йили тажриба далага вариантларни жойлаштиришдан олдин танлаб олинган даланинг шудгор ва шудгор ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрохимёвий хусусиятлари аниқлаб борилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, 2020 йил амал даври бошида тажриба дала тупроғининг 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,819 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,061 фоиз, фосфор 0,102 фоизни, калий 1,67 фоизни кўрсатган бўлса, тупроқнинг 30-50 см қатламида гумус миқдори 0,623 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,044 фоизни, фосфор 0,078 фоизни, калий 1,22 фоизни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, Озиқа унсурларининг ҳаракатчан шакллари ўрганилганида, тупроқнинг 0-30 см қатлами нитрат миқдори 9,34 кг/мг, ҳаракатчан фосфор миқдори 24,66 кг/мг, алмашинувчи калий миқдори 180 кг/мг, тупроқнинг 30-50 см қатламида нитрат миқдори 7,69 кг/мг, ҳаракатчан фосфор миқдори 18,20 кг/мг, алмашинувчи калий миқдори 165 кг/мг ни ташкил этганлиги қайд этилди.

2.1-жадвал

Тажриба майдонининг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари

Йиллар	Тупроқ қатламлари, см	Гумус миқдори, %	Умумий шакллари, %			Ҳаракатчан шакллари миқдори, мг/кг.		
			N	P	K	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
2020	0-30	0,819	0,061	0,102	1,67	9,34	24,66	180
	30-50	0,623	0,044	0,078	1,22	7,69	18,20	165
2021	0-30	0,828	0,058	0,097	1,55	8,60	22,38	170
	30-50	0,655	0,042	0,066	1,15	6,74	16,89	150
2022	0-30	0,876	0,065	0,114	1,76	9,88	26,71	190
	30-50	0,664	0,048	0,085	1,32	7,82	19,85	175

2021-2022 ва 2022-2023 йилларда олиб борилган тажриба олиб бориш учун танланган далаларнинг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари таҳлил қилинганида ҳам 2020-2021 йилларда тажриба олиб борилган даладан олинган маълумотларга яқин кўрсаткичлар олинганлиги кузатилди.

Тажриба олиб борилган далалар тупроқларининг дастлабки агрохимёвий хусусиятлари бўйича олинган маълумотларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу далалар тупроқлари нитрат билан жуда кам, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан кам даражада таъминланган дейиш мумкин.

Илмий-тадқиқот ишлари 2020-2023 йилларда Урганч давлат Университетига қарашли тажриба хўжалигининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида олиб борилиб, тажрибада кузги тритикаленинг маҳаллий “Фарход” ҳамда хорижий “Норман” навларини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 70 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 280 м², ҳисобга олинадиган майдон 140 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 1,6 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:ғалла) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кузги тритикаленинг Давлат ресстрига киритилган ва Хоразм вилояти учун экишга тавсия этилган “Фарход” ва “Норман” навлари экилди.

Тажрибада кузги тритикаленинг “Фарход” ва “Норман” навлари уруғларини уч хил экиш (15-сентябр, 1-октябр, 15-октябр) муддатларида уч хил (4,0 млн/га, 5,0 млн/га, 6,0 млн/га) экиш меъёрларида экиб ўрганилди.

Кузги тритикалени озиклантиришда, азотли ўғитлардан корбомид (46%), аммиакли селитра (N–34%), фосфорли ўғитлардан суперфосфат (P₂O₅–20%), калийли ўғитлардан калий тузи (K₂O–40%) ишлатилди. Тажрибада фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100% миқдори кузда, шудгор остига қўлланилди. Азотли ўғитлар иккига бўлиб, 1-озиклантириш туплаш даврида, 2-озиклантириш найчалаш даврида қўлланилди.

Тажриба майдонларини танлаш ва вариантларни жойлаштиришда “Дала тажрибаларини ўтказиш услубиятлари” (2007) услубий қўлланмасидан, кузги тритикале ўсимлигида фенологик кузатув ва ҳисоблаш ишларини олиб боришда «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (М, Колос, 1964) услубий қўлланмасидан, олинган натижаларга математик-статистик ишлов беришда Б.А.Доспеховнинг «Методика поливого опыта» (М, 1985) услубномасидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини тритикале навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига ҳамда доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири”** деб номланган учинчи бобида кузги тритикале навлари уруғларни экиш муддатлари ва меъёрларини кўчатларининг униб чиқишига ва кўчат қалинлигига, ривожланиш давларининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳининг шаклланишига, биологик куруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, умумий ва

маҳсулдор поялар сонига, ҳосил структурасининг шаклланишига, дон ва сомон ҳосилдорлигига, донининг сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Уруғ экиш муддатларини кўчатларнинг униб чиқиш даражасига таъсири ўрганилганида, юқори натижалар 15-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 1-15 октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан кузги тритикаленинг “Фарход” навида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 4,4-12,0 дона/м², гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 6,5-15,5 дона/м², гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 7,8-18,0 дона/м² гача, “Норман” навида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 5,2-12,8 дона/м², гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 7,0-16,0 дона/м², гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 8,4-18,6 дона/м² гача юқори бўлганлиги аниқланган.

2.2-жадвал

Тритикале навларининг кўчат қалинлигига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

№	Кузги тритикале нави	Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёрлари, млн дона/га	Униб чиққан кўчатлар сони, дона/м ²	Қишловдан кейинги кўчат қалинлиги, дона/га	Амал даври охирида кўчат қалинлиги, дона/м ²
1	Фарход	15-сентябр	4,0	372,4	326,6	311,3
2			5,0	458,5	393,9	373,7
3			6,0	541,2	457,9	433,5
4		1-октябр	4,0	368,0	334,9	314,6
5			5,0	452,0	400,5	375,2
6			6,0	533,4	463,5	433,7
7		15-октябр	4,0	360,4	322,2	306,7
8			5,0	443,0	386,3	366,4
9			6,0	523,2	448,4	424,3
10	Норман	15-сентябр	4,0	370,4	326,0	312,2
11			5,0	456,0	393,5	376,2
12			6,0	537,6	457,0	435,5
13		1-октябр	4,0	365,2	332,3	314,1
14			5,0	449,0	398,7	377,2
15			6,0	529,2	460,9	436,1
16		15-октябр	4,0	357,6	320,4	306,5
17			5,0	440,0	385,0	367,8
18			6,0	519,0	446,3	425,6

Аммо, амал даври охирига келиб, ҳақиқий кўчат қалинлиги уруғ экиш муддатлари ва меъёрлари кесимида таҳлил қилинганида, юқори кўчат қалинлиги уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантларда аниқланиб, 15-сентябр ва 15-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан ўсув даври давомида кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,4-1,9 фоизгача,

гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,3-1,5 фоизгача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,2-1,2 фоизгача кам бўлиб, кўча қалинлиги гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 3,3-7,9 дона/м², гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,5-8,8 дона/м², гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,2-9,4 дона/м² гача кўп бўлганлиги қайд этилган бўлса, “Норман” навида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан ўсув даври давомида кўчатларнинг нобуд бўлиши 0,3-1,7 фоизгача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,4-1,5 фоизгача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,4-1,4 фоизгача камайиб, кўча қалинлиги гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,9-7,6 дона/м², гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,0-9,4 дона/м², гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,6-10,5 дона/м² гача юқори эканлиги аниқланган.

Кузги тритикале навларининг ўсиб ривожланиши уруғ экиш муддатлари ва меъёри кесимида ўрганиб чиқилганида, юқори натижалар уруғлар 15-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 1-15 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида амал даври охирида поя баландлиги 5,4-9,9 см, гуллаш фазасида барг сатҳи 116,9-4850,7 м²/га, пишиш фазасида қуруқ масса тўплаши 7,8-13,9 ц/га гача, “Норман” навида амал даври охирида поя баландлиги 5,1-9,2 см, гуллаш фазасида барг сатҳи 794,5-5723,1 м²/га, пишиш фазасида қуруқ масса тўплаши 7,9-14,1 ц/га гача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида амал даври охирида поя баландлиги 3,5-6,6 см, гуллаш фазасида барг сатҳи 649,2-5196,1 м²/га, пишиш фазасида қуруқ масса тўплаши 8,7-15,4 ц/га гача, “Норман” навида амал даври охирида поя баландлиги 3,2-5,9 см, гуллаш фазасида барг сатҳи 1365,0-6097,4 м²/га, пишиш фазасида қуруқ масса тўплаши 8,8-15,6 ц/га гача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида амал даври охирида поя баландлиги 2,8-5,3 см, гуллаш фазасида барг сатҳи 873,8-5004,8 м²/га, пишиш фазасида қуруқ масса тўплаши 9,4-16,7 ц/га гача, “Норман” навида амал даври охирида поя баландлиги 2,5-4,6 см, гуллаш фазасида барг сатҳи 1546,1-5953,3 м²/га, пишиш фазасида қуруқ масса тўплаши 9,5-16,9 ц/га гача юқори бўлганлиги кузатилган.

Аммо, тритикале навларининг ФСМ кўрсаткичи ўрганилганида, уруғ экиш муддатлари ва меъёрларига мос равишда маълумотлар олинганлиги маълум бўлди.

Жумладан, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 15-сентябр муддатида экилган вариантда кузатилиб, уруғлар 1-15 октябр муддатларида экилган вариантларга

нисбатан “Фарход” навида 0,57-0,97 г/м²/кунга, “Норман” навида 0,53-0,90 г/м²/кунга юқори бўлганлиги аниқланган. Гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантда кузатилиб, уруғлар 15-сентябр ва 15-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида 0,35-0,45 г/м²/кунга, “Норман” навида 0,33-0,40 г/м²/кунга юқори бўлганлиги қайд этилган. Гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 15-октябр муддатида экилган вариантда кузатилиб, уруғлар 15-сентябр ва 1-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида 0,30-0,50 г/м²/кунга, “Норман” навида 0,27-0,45 г/м²/кунга юқори бўлганлиги кузатилган.


Кузги тиритикале навларида умумий ва маҳсулдор пояларнинг шаклланишига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири ўрганиб чиқилганида, юқори кўрсаткичлар 15-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 1-15 октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида уруғлар гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида умумий поялар сони 29,8-103,1 дона/м², маҳсулдор поялар сони 1,2-43,2 дона/м², гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида умумий поялар сони 38,1-122,0 дона/м², маҳсулдор поялар сони 9,7-65,1 дона/м², гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида умумий поялар сони 90,7-169,6 дона/м², маҳсулдор поялар сони 43,2-91,6 дона/м² гача юқори натижа кўрсатганлиги аниқланган бўлса, “Фарход” навида уруғлар гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида умумий поялар сони 36,4-106,1 дона/м², маҳсулдор поялар сони 7,2-52,2 дона/м², гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида умумий поялар сони 54,4-125,3 дона/м², маҳсулдор поялар сони 22,8-68,3 дона/м², гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида умумий поялар сони 99,1-185,2 дона/м², маҳсулдор поялар сони 48,7-102,0 дона/м² гача юқори натижа кўрсатганлиги қайд этилган.

Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикале навларда ҳосил элементларининг шаклланишига таъсири ўрганиб чиқилганида ўзига хос бўлганлиги кузатилди.

Жумладан, бир бошоқнинг ўртача узунлиги, бир бошоқдаги донлар сони ҳамда 1000 дона дон вазни бўйича юқори кўрсаткичлар уруғлар 15-октябр муддатида экилган вариантларда қайд этилиб, уруғлар 1-октябр ҳамда 15-сентябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида бир бошоқ узунлиги 0,6-0,9 см, бир бошоқдаги донлар сони 0,5-0,8 дона, 1000 дона дон оғирлиги 0,7-0,9 г., “Норман” навида бир бошоқ узунлиги 0,5-0,7 см, бир бошоқдаги донлар сони 0,6-1,0 дона, 1000 дона дон оғирлиги 0,7-0,9 г., гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида бир бошоқ узунлиги 0,6-0,9 см, бир бошоқдаги донлар сони 0,2-0,9 дона, 1000 дона дон оғирлиги 1,0-1,8 г., “Норман” навида бир бошоқ узунлиги 0,6-1,0 см, бир бошоқдаги донлар сони 0,3-1,0 дона, 1000 дона дон оғирлиги 0,8-1,8 г., гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида бир бошоқ узунлиги 0,4-0,8 см, бир бошоқдаги донлар сони

0,3-0,9 дона, 1000 дона дон оғирлиги 0,9-3,2 г., “Норман” навида бир бошоқ узунлиги 0,3-0,8 см, бир бошоқдаги донлар сони 0,2-0,9 дона, 1000 дона дон оғирлиги 0,9-3,0 г. гача юқори натижа кўрсатганлиги аниқланган.

Аммо, донларнинг натура оғирлиги бўйича таҳлиллар олиб борилганида, юқори натижалар уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 15-сентябр ва 15-октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида 4,4-19,7 г/л, “Норман” навида 2,9-18,0 г/л, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида 3,1-23,1 г/л, “Норман” навида 1,3-20,1 г/л, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан “Фарход” навида 1,2-22,4 г/л, “Норман” навида 0,8-19,3 г/л гача юқори натижа кўрсатгани қайд этилган.




1-расм. Кузги тритикале навларининг ҳосил элементларига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

Амал даври охирига бориб, ўрим олдида барча вариант ва қайтариқлардан беш нуқтада 1 м² майдонда мавжуд тритикале поялари ўриб олиниб, дон ва сомон ҳосили ўрганиб чиқилганида, уруғ экиш муддатларига ва уруғ сарф меъёрларига мос равишда маълумотлар олинганлиги кузатиш мумкин.

Жумладан, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори дон ҳосилдорлиги уруғлар 15-сентябр муддатида экилганида қайд этилиб, уруғлар 1-15 октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан дон ҳосили “Фарход” навида 2,9-5,0 ц/га, “Норман” навида 3,5-8,6 ц/га гача юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори дон ҳосилдорлиги уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантларда аниқланиб, уруғлар 15-сентябр ва 15-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан дон ҳосили “Фарход” навида 0,5-14,5 ц/га, “Норман” навида 0,3-14,8 ц/га гача,

